

DVV International – бу Германия Халқ Университетлари Ассоциациясининг халқаро ҳамкорлик Институтидир (Deutscher Volkshochschul-Verband e.V. - DVV). DVV Германиядаги 900га яқин катталар учун Таълим марказлари (Volkshochschulen-VHS) ва уларнинг минтақавий бирлашмаларининг манфаатларини ифодалайди. Ушбу тармоқ, Германиядаги узлуксиз таълим провайдерларининг энг йириги ҳисобланади.

DVV International катталар таълими ва ўқиши (КТЎ) соҳасидаги етакчи ташкилот сифатида ривожлантириш мақсадида ҳаёт давомида ўқиш концепциясини 50 йилдан ортиқ олға суради. Халқаро миқёсда ишлаган ҳолда, ташкилот ёшлар ва катталар таълими учун барқарор тузилмаларни яратишни ва янада ривожлантиришни қўллаб-қуватлайди. DVV Internationalнинг ҳамкорлари орасида Африка, Осиё, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатларидаги фуқаро, давлат ва академик секторларидаги 200 дан ортиқ ташкилотлар мавжуд.

DVV International
Зарбоғ 33
100031 Тошкент
Ўзбекистон Республикаси

Tel.: +998 71 120 60 57
Fax: +998 71 120 55 36

info@dvv-international.uz
www.dvv-international-central-asia.org



Таълим ҳамма учун. Дунё бўйлаб.
Хаёт давомида.

Ўзбекистонда катталар таълими ва ўқиши



50 Years
DVV International

 Bundesministerium für
wirtschaftliche Zusammenarbeit
und Entwicklung





DVV International Ўзбекистонда

DVV International ўз фаолиятини мамлакатда 2002 йилдан бошлаб, Германия Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Федерал вазирлиги (BMZ), Ташқи ишлар вазирлиги, Европа Иттифоқи томонидан молиявий қўллаб-қувватланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳукуматлараро келишув асосида амалга оширади. DVV Internationalнинг Ўзбекистондаги ҳамкорлари - вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ва халқаро ташкилотлари ҳисобланади.

Фаолиятнинг асосий йўналишлари

- таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;
- аҳолининг заиф гуруҳларини ўқитиш учун сифатли таклифларни ишлаб чиқиш;
- ҳамкор ташкилотларини ташкилий ривожлантиш;
- КТЎнинг самарали тизимини яратиш;

- тажриба алмашиш, консултатив қўллаб-қувватлаш ва экспертиза;
- бутун умр мобайнида ўқиш концепциясини илгари суриш.

DVV International Ўзбекистонда:

- 21-асрда КТЎ ғоялари ва норасмий таълим аҳамиятини илгари суради. Ушбу мақсадда анжуманлар (2003, 2010, 2011, 2018 йй.), “Тошкент оқшомлари” норасмий учрашувлар ташкил қилади, нашр ишларини чоп этади.
- ҳар йили турли мамлакатлардан келган мутахассислар ўртасида тажриба алмашишга қўмақлашувчи тадбирларни ўтказиши. Маҳаллий мутахассислар КТЎ ва бутун умр давомида ўқиш бўйича долзарб масалаларга бағишланган миллий ва халқаро семинарлар / анжуманларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.
- салоҳиятни ошириш, бир неча минг кишини ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадида 80дан ортиқ ҳамкор ташкилотларни қўллаб-қувватлади.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кун тартиби – ёшлар ва катталар таълимининг ҳиссаси

DVV International таълимни барқарор ривожланиш соҳасида 2030 Кун тартибининг муваффақиятли амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, бутун умр мобайнида ўқиш сифатида кўриб чиқади. Ёшлар ва катталар таълими ва ўқиши ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи бўлган 17та Барқарор Ривожланиш Мақсад (БРМ)ларнинг ҳар бирига эришиш учун жиддий ҳисса қўшади. 4чи Мақсад – “Ҳар томондан қамраб олувчи ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ва барча учун ҳаёт давомида ўқиш имкониятини рағбатлантиришга” алоҳида эътибор қаратилади.

Ёшлар ва катталар таълими ва ўқиши ҳаётнинг энг давомий босқичини қамраб олиб, юқори даражали хизматларнинг осон фойдаланилишини таклиф қилади, ҳамда турли хил мазмундаги дастурларни ўз ичига олади. КТЎ бир вақтнинг ўзида бир неча масалани ҳал қилиш имконини беради: шахс ўсиши, фуқаролик таълими, маданий ривожлантириш ва меҳнат бозоридаги кучли талабга эга бўлган асосий касбий компетенцияларни тақдим этилган курслари.